



**ФАН ВА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
75 йиллик юбилейига бағишланган Республика
миқёсидаги илмий ва илмий-техник конференция
материаллари
23-ноябрь 2018 йил**

1-ҚИСМ



**Тошкент-Навоий
2018**

72,3(5Ў)

Ф24

Республика илмий ва илмий-техник конференция материаллари

Тўплам ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши раиси, юридик фанлари доктори, профессор С.С.Гулямов, ЎзР ФА Навоий бўлими раиси, геология-минералогия фанлари доктори А.У.Мирзаевларнинг умумий тахрири остида чоп этилган.

Масъул мухаррирлар:

ф.-м.ф.д, профессор М.В.Кремков, фалс.ф.н., доцент,
ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши раис ўринбосари Г.Ҳ.Тиллаева.

Конференциянинг котиблари:

тарих ф.н., к.и.х. ЎзР ФА Тарих институти к.и.х. О.Абдимўминов,
ЎзР ФА Навоий бўлими Ёш олимлар кенгаши раиси Ш.Ж.Куйлиева.

Ф24 «Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни/ Роль молодёжи в развитии науки и образования» Республика илмий ва илмий-техник конференция материаллари (23 ноябрь 2018 йил). –Тошкент: ЎзР ФА, 2018. 300-с. Тит. вароги ўзб. тилида. 300-с.

ISBN 9789943381759

Тўплам ЎзР ФА Кенгашида кўриб чиқилиб, чоп этишга тавсия этилди (17. 09.2018 йил Баённома № ПМК-30).

Эслатма: тўпламда келтирилган далиллар, манбалар ва ихтибослар учун жавобгарлик мақолалар муаллифлари зиммасида.

КБК 72,3(5Ў)

© *Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни; Роль молодёжи в развитии науки и образования/ Республика миқёсидаги илмий ва илмий-техник конференция.*

© *ЎзР ФА, 2018.*

қиялиги ва бошқа омилларга қараб сеялқаларнинг уругни экувчи ва кўмувчи ишчи органлари уругларни шикастламасдан уларни белгиланган меъёрда, белгиланган экиш чуқурлигига, доналаб ёки гуруҳлаб (2-3 тадан) экилишини таъминлайдиган иш режимлари ва параметрлари изланди, айрим экиш аппаратлари такомиллаштирилиб кўрилди. Бундан ташқари экиннинг ҳосилдорлиги, намлиги, даланинг қиялиги, дукқакларнинг пояда жойлашиш баландлиги, ўт босганлик даражаси турлича бўлган шароитларда сояни комбайнлар билан йиғиштириб олишда уларни ишчи қисмларининг мақбул технологик режимлари тадқиқ этилди. Ҳозирда тажриба натижаларини таҳлил этиш ишлари олиб бориляпти.

Тадқиқотлар сўнггида соянинг хориждан келтирилган ҳамда маҳаллий навларини республиканинг турли тупроқ-иклим шароитларида асосий ва такрорий экин сифатида экиб, озиклантириш меъёрлари ва муддатлари, сугориш режими аниқланади. Соя навларини етиштириш агротехнологияси элементлари ишлаб чиқилади. Турли шароитларда сояни етиштиришда уни экиш ва йиғиштириш ишларини белгиланган агротехника талаблари даражасида амалга оширадиган техника воситалари аниқланиб, уларнинг конструкцияси такомиллаштирилади ва мослаштирилади.

Адабиётлар:

1. Ёрматова Д. Ўсимликшунослик/ Касб хунар коллежлари учун дарслик. – Тошкент: “Шарқ”, 2002. – Б. 151-157.
2. Нурматов Ш., Анарбаев И. ва бошқалар. Мойли экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тасиялар // Тошкент: “Турон иқбол”, 2012. – Б.96-106.
3. Masuda T. Goldsmith P.D. World soybean production: Area Harvested, yield, and long-term projections / Under review. The international food and agribusiness management Review. December, 2008.
4. Goldsmith P. Economics of Soybean Production, Marketing and Utilization // Soybean Monograph. December 2008. – 117 p.
5. [www.fao.org \(statistics/soybeans\)](http://www.fao.org/statistics/soybeans).

КЎК ПОЯЛИ ОЗУҚАЛАРНИ МАЙДАЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

А.Н.Борогов – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ассистенти.

Маълумки, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик Ўзбекистонда яқин келажакда кескин ривожлантирилиши белгиланган қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар Стратегиясида ҳамда мазкур стратегияни амалга ошириш бўйича қабул қилинган қарор ва дастурларда мазкур соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган [1].

Қабул қилинган қарор ва дастурларда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни катта ҳажмдаги комплекслар ташкил этиш билан биргаликда аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларида кичик чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларини тузиш орқали ҳам ривожлантириш белгилаб қўйилган. Бунда энг асосий эътибор соҳаларга замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот қилиш ва тарқатиш ҳамда инновацион ишланмаларни жорий қилишга қаратилади [1].

2017 йилда Ўзбекистонда 2,3 млн. тонна гўшт, 10,4 млн. тонна сут, 7,0 млрд. дона тухум ва 15,4 минг тонна асал етиштирилган бўлса [2], яқин 2-3 йилда гўшт ишлаб чиқаришни 105,6 фоизга, сут ишлаб чиқаришни 108,1 фоизга, тухум ишлаб чиқаришни 111,3 фоизга, балиқ етиштиришни 120 фоизга, асал тайёрлашни эса 118,2 фоизга ошириш белгилаб олинган [1].

Республикамизда боқилаётган чорва молларини таҳлил этадиган бўлсак, 2017 йилда жами чорва моллари сони 30 млн. бошдан кўпроқни ташкил этган. Шундан 20 млн. бош атрофида қўй ва эчкилар бўлса, йирик шохли қорамоллар 10 млн. бошдан кўпроқни ташкил этмоқда.

Республика микёсида боқилаётган чорва молларини турлари бўйича киёслайдиган бўлсак, жами чорва молларининг 60 фоиздан кўпрогини қўй ва эчкилар, 40 фоизга яқинини йирик шохли қорамоллар, 1 фоиз атрофидасини отлар ташкил этиши маълум бўлади.

Мавжуд чорва молларининг хўжаликлар бўйича тақсимланишига оид маълумотлар таҳлил этилганда куйидаги ҳолатни кўриш мумкин, яъни жами қўй ва эчкиларнинг 15 млн. бошга яқини ёки 80,0 фоизи деҳқон ёки томорқа хўжаликлар ҳиссасига, 9 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига, 11 фоизи бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади.

Худди шу кўринишда йирик шохли қорамолларнинг ҳам тақсимоти кўриб чиқилганда, жами қорамолларнинг 90 фоиздан кўпроги деҳқон ёки томорқа хўжаликларида, 5,0 фоиздан кўпроги

фермер хўжаликларида, колганлари эса бошка турдаги хўжаликларда бокилаётганлиги маълум бўлади.

Республикада чорва моллари ичида бош сони жиҳатидан отлар камрокни ташкил қилади, яъни жами 210 минг бошдан кўпроқ от бўлиб, бу жами чорва молларининг 1 фоизига яқин. Лекин бунда шуни унутмаслик керакки, битта от камида 2 та қорамолнинг ва 5-6 та майда туёқли мол (қўй ва эчки)нинг озукасини ёйди. Отларнинг ҳам хўжалик турлари бўйича тақсимланиши кўриб чиқилганда яна юқоридаги сингари ҳолатни кўришимиз мумкин, яъни энг кўп 85,0 фоиз от шахсий ёки деҳқон хўжаликларига, 10 фоизга яқин от фермер хўжаликларига ва 5 фоиздан кўпроқ от бошка турдаги хўжаликларга тўғри келади.

Бундан кўриниб турибдики, чорва молларининг 80-90 фоизи шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида бокилмоқда. Бу хўжаликларда чорва моллари бошка озукалар билан бирга маккажўхори, беда ва табиий ўтларнинг кўк ҳолдаги поялари билан ҳам боқилади. Чорва молларини кўк поялар билан бокиш уларнинг маҳсулдорлигининг орттишига ва яхши ўсиб ривожланишига олиб келади [3,4].

Аммо бугунги кунда ушбу хўжаликларда кўк пояли озукаларни майдалашда қўлланиладиган кичик ўлчамли, ихчам майдалагичларнинг йўқлиги сабабли ўтлар чорва молларига майдаланмасдан берилмоқда. Натижада хашакларнинг 25-30 фоизга яқини чиқитга (нушхўртга) чиқиб кетиб, нобудгарчилиги катта, фойдаланиш самараси эса паст бўлмоқда.

Шу пайтгача мавжуд бўлган майдалагичлар эса йирик хўжаликлар учун мўлжалланган бўлиб [5], уларнинг металл ва энергия сизими катталиги ва нархи юқорилиги мол бош сони кам бўлган деҳқон ва томорқа хўжаликларида фойдаланишга имкон бермайди. Шундан келиб чиқиб мазкур хўжаликлар учун индивидуал фойдаланишга мўлжалланган кўк пояли озукаларни майдалагич қурилмаларни ишлаб чиқиш долзарбдир.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқот мақсади сифатида кўк пояли озукаларни белгиланган талаблар даражасида кам сарф-харажатлар билан майдалаб берувчи инновацион кичик майдалагич қурилмани ишлаб чиқиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режими асослаш белгилаб олинди.

Адабиётлар:

1. www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 4947-сон фармони.
2. Ваҳабов А. Натижадорлик – бош мезон // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент: №1, 2018. – Б.2-3.
3. CRAMPTON E.W., HARRIS L.E. APPLIED ANIMAL NUTRITION. – SAN FRANCISCO: 1972. – P.189-301.
4. Хафизов И., Куччиев М., Хафизов А. Тўла қимматли озиклантиришни ташкил этишининг сизирлар сут маҳсулдорлигига таъсири // Агроилм. №2 (6), 2008. – Б. 24-25.
5. Беляничков Н.Н., Смирнов А.И. Механизация животноводства и кормоприготовления. М.: Агропромиздат. – 1990. – С. 168-171.

1,4-2,0 КЛАССДАГИ САБЗАВОТЧИЛИК ТРАКТОРИ БИЛАН АГРЕГАТЛАНАДИГАН АЙЛАНМА ПЛУГНИНГ ҚАМРАШ КЕНГЛИГИНИ ВА АГРЕГАТЛАНИШ УСУЛИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Б.Ш. Гайбуллаев – Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти лойиҳа раҳбари.

Мустақиллик йилларида Республикаимиз Президенти ва ҳукумати томонидан ҳалқимизни озик-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, аҳоли талабини ўзимизда етиштирилаётган сифатли мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка каби маҳсулотлар ҳисобига тўла қондириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, сўнги йилларда пахтадан бўшаган 30 минг гектардан ортиқ сугориладиган ерда дон экинлари, сабзавот, картошка етиштириш йўлга қўйилди, бог ва узумзорлар барпо этилди. Натижада 2012-2014 йилларда сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди. Шулардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик техникаларини четдан олиб келмасдан ўзимизда ишлаб чиқариш ва деҳқонларга етказиб бериш устида катта ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда махсус кўпфункционали, яъни ерларга асосий ишлов бериш, экишга тайёрлаш, экиш, экинлар қатор ораларига ишлов бериш, уларни парваришлаш ҳамда йиғиштириб олиш ишларини бажариш учун мўлжалланган 1,4-2,0 классдаги сабзавотчилик трактори ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу

	Д.У. Мирзалieва	китобига киритилган silene l. Caryophyllaceae турлари	
98.	Б.З. Тухтаев, М.Н. Юсупов.	Тошкент ботаника богида интродукция килинган хонадон шефлераси schefflera digitata j.r. Et g. Forst vegetativ усулда кўпайтириш	114
99.	М.Э. Умидова, Н.Н. Хусенов, И.С. Нормаматов, Ш. Кушаков, М.М. Дарманов, О.С. Тураев, Ф.Н. Кушанов	“Геном селекцияси” усулидан фойдаланиб гўзанинг зараркунанда ҳашаротларга чидамли янги линияларини олиш	115
100.	М. Файзуллаева, Ф. Хошимов	Инновационное технология экстракции уксусной кислоты	115
101.	М.М. Холмурадова, О.С. Тураев, И.С. Нормаматов, Н.Н. Хусенов, Ф.Н. Кушанов.	Гўза уак популяцияси бошлангич намуналарида транспирация жадаллиги таҳлил қилиш	117
102.	Н.К. Холмурадова, О.М. Пулатова, Б.Х. Алимова, А.А. Махсумханов, М.И. Камбаралиева, Ш.А. Ташбаев, М.С. Мамиев.	Биосинтез лимонной кислоты коллекционными штаммами Aspergillus niger	118
103.	А. Хужанов, М. Курбоналиева, О. Тургинов.	Ўзбекистон флораси эндем helichrysum purtavicum krasch. asteraceae тури хақида	118
104.	Sh.Sh. Xasanov, J.M. Abduraxmanov, O.N. Ashirov, F.B. Eshboyev, E.G. Yusupova, S.A. Sasmakov, Sh.S. Azimova.	Bombyx mori bmn1 hujayralarida gomologik rekombinatsiyani amalga oshirish uchun transfer vector va virus dnk miqdorlarining optimal nisbati	119
105.	Д.К. Чартаков К.Ч. Чартаков	Состояние лимфатической системы тонкой кишки при резекции желудка по бильрот 1	120
106.	Д.К. Чартаков К.Ч. Чартаков, Х.Х. Чартақолва	Патоморфологические изменения стенки тонкой кишки после резекции желудка	120
107.	Ф. Эшбоев, Д. Мансуров, Э. Юсупова, С. Сасмаков, Ф. Пиякина, Ш. Азимова.	Морфин гемосукцинатининг синтези	121
108.	Ҳ.Қ. Эсанов.	Бухоро шаҳри адвентив ўсимликларнинг яшаш муҳити сифатида	122
109.	М.А. Эшонов, Х.А. Расулова.	Haplophyllum acutifolium ва haplophyllum pedicellatum ўсимлиги алкалоидлари	123
110.	Б.К. Эркинжонов, Д.Р. Абдурахмонова, О.З. Солиев, Ғ.И. Мамадалиев, Н.Н. Тешабоев, Ш.О. Ташбоев	Асфиксия билан тугилган оғир ҳолатдаги чакалоқларда церебрал ва марказий гемодинамик кўрсаткичларни баҳолаш	123
111.	Ф. Эшқурбонov, М. Эшқурбонova	Маҳаллий хом-ашёлар асосида комплекс ҳосил қилувчи ионит синтез	124
112.	Н.С. Юнусова, О.М. Пулатова, Б.Х. Алимова, А.А. Махсумханов.	Скрининг дрожжевых культур по биосинтезу лимонной кислоты	125
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ			
113.	А.С. Абдураимов С.А. Дониёров.	Мирзачўл воҳасининг табиий ўсимликлар ресурси	127
114.	Д.С. Абдураимова, С.А. Дониёров.	Экологическое воспитание молодых ученых Узбекистана и особенности природы голодной степи и их охрана	128
115.	Б.Д. Аллашов.	Озука базасини мустаҳкамлашда қашқарбедани бошоқли экинлар билан аралашма ҳолда экиб етиштириш	130
116.	Л.К. Аллаяров, А. Р. Шадманова, Б. Қаландаров	Шоли ва соя навларида мас технологиянинг қўлланилиши	130
117.	А.К. Бурханов, Р.М. Аллаяров.	Обзор и анализ метода радиационной обработки пищевых и сельскохозяйственных продуктов	132
118.	К.Д. Астанақулов.	Турли шароитларда сояни талаб даражасида экиш ва йиғиштириш учун техника воситаларини мослаштириш ва такомиллаштириш	132
119.	А.Н. Боротов.	Кўк поялы озукаларни майдалаш қурилмасини ишлаб чиқишнинг долзарблиги	134
120.	Б.Ш. Файбуллаев.	1,4-2,0 классдаги сабзавотчилик трактори билан агрегатландиған айланма плугнинг қамраш кенлигини ва агрегатланиш усулини тадқиқ этиш	135
121.	С.Р. Жураев.	Қишлоқ хўжалиги соҳадаги насос станциялар ишлаш	137